O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND SHAHAR
MCHJ shaklidagi
«AFROSIYOB AUDIT STANDART»
AUDITORLIK TASHKILOTI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ГОРОД САМАРКАНД
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ
«АФРОСИЁБ АУДИТ СТАНДАРТ»
В ВИДЕ ООО

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўчаси 34/29 Тел:+99866 234-80-34, +99891 528-24-46
Телеграмм +99897 921-24-46, e-mail: afrosiyobstandart@mail.ru

№ 014

«26» феврал 2024 й.

"Juma Elevatori"
акциядорлик жамияти раҳбариятига

## МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

**Бажарувчи**: MChJ shaklidagi **«Afrosiyob audit standart»** auditorlik tashkiloti.
**Руйхат рақами:** № 376, 2008 йил 24 март,Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги.
**Лицензия:** АФ № 00787, 2019 йил 5 апрел,Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги.
**Почта манзили:** Самарқанд шаҳри, Фарход кўчаси 34-уй 29-хона.
**Хисоб рақами:** 20208 000 504 691 763 001
**Хизмат кўрсатувчи банк:** МФО: 00446, АТБ «Турон банки» Тошкент шахар Бош офиси
**СТИР:** 206 955 352
**Буюртмачи:** Самарқанд вилояти **"Juma Elevatori"** акциядорлик жамияти
**Почта манзили:** Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Жума шахри Фитрат кўчаси 2-уй.
**Хисоб рақами:** 20208 000 700 193 796 001
**Хизмат кўрсатувчи банк:** МФО: 00273, АТБ «Агро банк» Пастдарғом филиали
**СТИР:** 201818683

Аудиторлик текшируви ташкилот аудитори Ў.Очилов томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 23 феврал кунида берилган хамда 2033 йил 23 феврал кунигача муддатга узайтирилган № 05086 сонли аудиторлик малака сертификатига хамда Самарқанд вилояти **"Juma Elevatori"** акциядорлик жамияти билан MChJ shaklidagi **«Afrosiyob audit standart»** auditorlik tashkiloti ўртасида 2024 йил 5 феврал кунида тузилган № 041-сонли шартномага асосланиб, Самарқанд вилояти **"Juma Elevatori"** акциядорлик жамиятининг 2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабр кунигача бўлган даврдаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги хисоботдан,умумлашган даромад тўғрисидаги хисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги хисоботдан, пул оқимлари тўғрисидаги хисоботдан, шунингдек, жамиятни хисоб сиёсати ахамиятлари қоидаларининг қисқача таснифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий хисоботлари асосида ўтказилди.

### Жамият рахбариятини молиявий хисоботлар учун жавобгарлиги

Жамияти раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек жамият рахбарияти молиявий ҳисоботларни стандартларга мувофиқлиги, молиявий ҳисоботларни тайёрланишида зарур бўлган ички назорат тизими, молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслиги, молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги учун жавобгардир.

## Аудитор жавобгарлиги

Биз томонимиздан ўтказилган аудит текшируви молиявий ҳисоботни ҳаққонийлигини, молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз аудиторлик текширувини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ўтказдик.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботдаги рақам кўрсаткичларини ишончлилигини тасдиқлаш ва ундаги маълумотларни аудиторлик исботлаш орқали ёритилишини ўз ичига олади. Эътиборсизлик ёки хатолик оқибатида молиявий ҳисоботда жиддий бузилиш ҳолатлари содир этилганда, аудиторни таваккалчилиги, иш тартибини танлаши аудиторни юқори малакалилигига боғлиқ.

Биз томонимиздан олинган аудиторлик маълумотлар ушбу молиявий ҳисобот унинг ҳақиқий ҳолатини ҳаққоний акс эттирилишига ишонарли ва етарли асос беради.

## Хулоса

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект Самарқанд вилояти **"Juma Elevatori"** акциядорлик жамиятининг 2023 йил 31 декабр ҳолатига бўлган давридаги молиявий хисоботида унинг молиявий ахволини хаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

MChJ shaklidagi **«Afrosiyob audit standart»**
auditorlik tashkiloti директори ва аудитори: Ў.Очилов